



ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЕТИШ АСОСЛАРИ

Шавкатжонов Иброт Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15- mart 2023 yil

Ma'qullandi: 20-mart 2023 yil

Nashr qilindi: 22-april 2023 yil

KEY WORDS

суд, судланган шахс, чора-тадбир, принцип, оммавий маданият, жазо, ижро этиш, қонуний ҳуқуқ, эркинлик..

ABSTRACT

Мазкур мақолада биз илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари тушунчаси ва уни ташкил этиш асослари таҳлилини амалга оширамиз ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Инсоният тарихининг барча даврларида ҳам халқнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини тامينлаш давлатнинг енг устувор ва асосий вазифаси бўлиб келган. Чунки фақат тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган мамлакатдагина тараққиёт ва ривожланиш бўлади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, одамлар, айниқса, ёшлар келажакка ишонч билан қарайдилар.

ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ бу:

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2017 йил 10 апрельдаги “Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда уларни маъсулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5005-сонли Фармони, 2017 йил 12 апрельдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 2883-сонли Қарори, 2017 йил 18 апрельдаги “Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида “ ги ПҚ 2896-сонли Қарори қабул қилинди. Жумладан, 2896- сонли Президент қарори натижасида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг таркибий тузилиши функция ва вазифалари, ҳуқуқий асослари айниқса, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олишдаги фаолияти замон талаблари даражасига жавоб берадиган даражада шакллантирилди. Бу эса ўз навбатида ички ишлар органларининг профилактика хизматини роли ва мавқеини кўтариш жиноятчиликка қарши кураш ва уни барвақт олдини олишда жамоатчилик ва аҳоли билан бўладиган алоқасини мустаҳкамлаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва маъсулиятини янада ошириш мақсадида 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 5050-сонли Қарорни қабул қилишда профилактика инспекторининг фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларни олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonun // 2014
2. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta‘minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Prezident Qarori // 2019
3. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay‘atining kengaytirilgan yig‘ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021
4. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).